



Вазира ХОЛМАТОВА,
Қариши Муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси
E-mail: suxrobbek_1988@mail.ru

THE UNITS DEMONSTRATING THE CONFIDENCE OF THE SPEAKER IN THE PROPOSITIONAL EXACTNESS

Abstract

In this article it is enlightened the author's scientific researches and relatively opinions about the usage of the modal words and units showing the confidence of the speaker in the propositional exactness in the composition of the speech structure in Linguistics. The usage of modal words and units showing the confidence of the speaker in the propositional exactness in the speech structure informs that the information given to the addressee is exact, besides, alternative propositions have already been foreseen by the speaker and there is no "need" for the addressee to think of this matter any more. The units containing the meaning of the speaker's confidence in the exactness of the information that is being passed "really" in their meanings lower the significance of the emphasis of modal words, because in the further case the proposition is directly compared with reality, occurrence consequently the emphasis that is being expressed gains objective essence. In the cases in which used modal units containing the meanings of belief, exactness and naturalness the emphasis is fully based on the subjective factors confirming the rightness and truth of the proposition.

Key words: speech, modal words, pragmatic content, speech structure, proposition, exactness of the proposition.

ЕДИНИЦЫ, ВЫРАЖАЮЩИЕ УБЕЖДЕННОСТЬ ГОВОРЯЩЕГО В ТОЧНОСТИ ПРОПОЗИЦИИ

Аннотация

В статье автор комментирует и исследует использование модальных слов и выражений в языковой структуре говорящего как выражение уверенности в пропорциональности говорящего. Использование модальных слов и фраз в речевой структуре для убеждения говорящего в точности пропозиции означает, что сообщение адресованное адресату является точным, а также тот факт, что говорящий уже представил альтернативные пропозиции адресату не нужно снова «думать» над этим. Единицы уверенности говорящего в точности передаваемой информации уменьшают ценность акцента на модальных словах, которые имеют значение «действительно», потому что в последнем случае пропозиции напрямую сравниваются с реальностью, а полученное утверждение является объективным. В случаях, когда используются модальные единицы доверия, точности и естественности, акцент делается исключительно на субъективных факторах, которые подтверждают точность и достоверность пропозиции.

Ключевые слова: Речь, модальные слова, прагматическое содержание, речевая структура, пропозиция, точность пропозиции.

ПРОПОЗИЦИЯ АНИКЛИГИГА СЎЗЛОВЧИНИНГ АМИНЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ БИРЛИКЛАР

Annotatsiya

Мақолада муаллифнинг тилшуносликда нутқий тузилма таркибида сўзловчининг пропозиция аниклигига ишончини кўрсатувчи модал сўз ва ибораларнинг ишлатилиши юзасидан фикр-мулохазалари ва илмий изланишлари ёритилган. Нутқий тузилмада сўзловчининг пропозиция аниклигига ишончини кўрсатувчи модал сўз ва ибораларнинг ишлатилиши адресатга берилган хабарнинг аниклиги, шунингдек, муқобил пропозициялар аллақачон сўзловчи томонидан фикран тасаввур қилинганлиги ва адресатнинг яна шу масалада “бош қотиришига” ҳожат йўқлигидан дарак беради. Сўзловчининг узатилаётган ахборот аниклигига ишончи маъносидаги бирликлар “ҳақиқатдан ҳам” мазмунидаги модал сўзларга нисбатан таъкид қийматини пасайтиради, чунки охириги ҳолатда пропозиция бевосита воқелик, ҳаққонийлик билан қиёсланади ва натижада билдирилаётган таъкид объектив асосга эга бўлади. Ишонч, аниклик, табиийлик мазмунидаги модал бирликлари қўлланилган ҳолатларда таъкид тўлиғича пропозициянинг ҳаққонийлиги ва ростлигини тасдиқловчи субъектив омилларга асосланган.

Калит сўзлар: Нутқ, модал сўзлар, прагматик мазмун, нутқий тузилма, пропозиция, пропозиция аниклиги.

КИРИШ. Сўзловчининг пропозиция аниклигига ишонишини тасдиқловчи модал воситалар таркибига “аминлик”, “ойдинлик”, “равшанлик” мазмунидаги модал сўз ва иборалар, шунингдек,

билиш, ишониш ва маълум бўлиш модулари бирликлари қиради: I know, It is known, I'm sure, I'm certain, I'm positive, I'm convinced, I have no doubt, I don't doubt, It is evident, It is obvious, It is natural.

Бизнинг фикримизча, сўзловчининг узатилаётган ахборот аниқлигига ишончи маъносидаги бирликлар “ҳақиқатдан ҳам” мазмунидаги модал сўзларга нисбатан таъкид қийматини пасайтиради, чунки охири ҳолатда пропозиция бевосита воқелик, ҳаққонийлик билан киёсланади ва натижада билдирилаётган таъкид объектив асосга эга бўлади. Ишонч, аниқлик, табиийлик мазмунидаги модал бирликлари қўлланилган ҳолатларда таъкид тўлигича пропозициянинг ҳаққонийлиги ва ростлигини тасдиқловчи субъектив омилларга асосланган. Шундай қилиб, сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончини ифодаловчи модал воситалар гуруҳи туб модал бирликларга нисбатан камроқ қўламда фаоллашади. Ушбу ҳолат олиб борилган бошқа тадқиқотларда ҳам ўз исботини топган [1].

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар семантик умумийликка асосланган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Ушбу гуруҳга *surely, certainly, of course, sure, undoubtedly* модал сўзлари ва *no doubt, for sure, for certain, to be sure, without doubt* нуткий тузилмалари мансуб. Ушбу гуруҳдаги модал сўзлар мазмунида иккита маъно компонентни ажраллади: 1) субъектив ишонч, сўзловчининг аминлиги ва 2) баҳоланаётган фикрнинг ҳақиқатга мослигига асосланган объектив ишонч. Шунингдек, ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг кўпчилиги ихчамлаштирилган предикация сифатида намоён бўлади: *I'm sure --- Surely, I'm certain --- Certainly; I have no doubt --- Undoubtedly*. Констатив нуткий акт мундарижасига ишонч мазмунини киритиб, ушбу гуруҳ модал сўзлари ва нуткий тузилмалар пропозицияга ҳаққонийлик, ростлик табиатини беради ва шу билан биргаликда, унга таъкид тусини беради. Демак, *certainly* модал сўзининг асосий семаси 1) шубҳа билдирмаслик, 2) объектив маълумотларга асосланган ишонч ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Гринбаумнинг фикрича, *certainly* модал сўзи сўзловчининг ишончини хозирги лаҳзада берилаётган хабар доирасида чегаралаб қўяди [2].

Surely модал сўзининг мазмунидаги асосий семалар 1) ишонч, 2) шубҳасизлик, 3) ҳақиқат ҳисобланади. *Surely* модал сўзи орқали бериладиган ишонч маъноси сўзловчининг субъектив маълумотларига, туйғуларига асосланади ва сўзловчи қайсидир жихатда адресатни ўзининг фикрига қўшилишга чорлайди.

Undoubtedly, no doubt модал сўзлари нуткий тузилма модал доирасига шубҳа йўқлиги ва ишонч (*undoubtedly*) ёки эҳтимолнинг мавжуд эмаслиги мазмунларини киритади. *No doubt* модал иборасининг киритилиши адресатда тугилиши эҳтимоли бўлган шубҳаларни ифодалаш учун мулжалланган. *Of course* модал сўзи пропозиция билан воқеалар ривожининг табиий кечиши билан ходисалар табиийлигини боғлайди.

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, *certainly* модал сўзи энг юқори таъсир кучига эга. *Certainly* оператори воситасида киритиладиган ишонч мазмуни, одатда, объектив маълумотларга асосланганлиги сабабли, ушбу оператор пропозицияни воқеликдаги ходисаларга

мослаштирувчи, яъни *really, actually, indeed* модал сўзларига кўп жихатдан ўхшаб кетади. Қуйидаги мисоллар билан ҳам юқоридаги хулосаларни тасдиқлаш мумкин:

- You can't even ride a horse.

- Who can't? Sure I can. Certainly I can [3];

“Then your mother didn't have any romantic attachment for Fleetwood whatever?” “Of course not, certainly not” [4].

Мазмунни кучайтирувчи бирликлар каторининг энг юқорисида *surely* модал сўзи, ундан кейин *of course, undoubtedly* ва *сўнг эса, Гринбаумнинг фикрича, less суффиксининг мавжуд бўлишига қарамадан гумон, ишончсизлик тусига эга бўлган doubtless* модал сўзига яқинроқ турган *no doubt* ибораси жойлашган [2].

Келтирилган гуруҳдаги модал сўзлар семантикасида ишончнинг умумий семаси мавжудлиги уларнинг умумий прагматик вазифаларга эга эканлигидан дарак беради. Бу бирликлар сўзловчининг пропозиция ростлиги ва ҳаққонийлигига амин эканлигини билдиради, ҳамда улар адресатни сўзловчи нуқтаи назарини қабул қилишга ундайди. Констатив мазмунини кучайтириш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

(1) сўзловчи пропозиция ростлигига ишонишини ажратиб кўрсатади:

Why don't you drive up with me on Thursday night, stay for the weekend? Surely you can take Friday off [5];

- A matter of some 2500 dollars

- Which the bank has not paid of course [4];

- Are you tired? she asked placing her hand on my shoulder.

- A little ma'am.

- And hungry too. no doubt [6];

(1) воқеалар кечишининг табиийлигига ишора қилинади:

I hadn't spoken to Hale or written him in years. Hale certainly wasn't expecting me [7]; Surely don't have to remind you that the other shareholders begged candy to take over [5];

(2) Адресат фикри билан розиликнинг ажратиб кўрсатилиши:

- I'm in bad shape. I'm in lousy shape.

- You certainly are. [3];

- I'm not interested in other women, he exclaimed ...

- Oh yes, of course, you have a girlfriend now [5];

(3) Адресатнинг таклифи ёки ундашига бутунлай розиликнинг ифодаланиши:

- Trust your son, trust his judgment.

- I certainly do [5];

- Don't you go to bed yet, Paul; you may have work to do.

- Of course, I'll have work to do, Drake said [4];

(4) Адресат пресуппозицияси ҳаққонийлигини тасдиқлаш:

- Still planning to get rich, McGregor?

- I certainly am;

- Is that why you want to be in the show? To meet someone and get married.

- Sure, because then I'd be somebody [8];

(5) Тингловчининг назарида адресатнинг ёлгон кўринган пресуппозициясини қатъиян рад этиш:

- Happiness. That's one of our weakness.

- You certainly won't find it there (though you think he will);

Jerome undoubtedly posted her on everything the police know, to date [4] (though you think he didn't).

(6) қатъий эътироз, адресат фикри билан рози бўлмастик:

- Because the lieutenant happens to be your son-in-law?

- Certainly not. The colonel said angrily;

- Where do you live?

- I don't know.

- Sure you know. You must know [3];

- I told you it wasn't a party.

- Of course it wasn't a party [9];

(7) адресатнинг таклифи ёки маслахати бевосита рад этилишининг ифодаланиши:

"I don't want to alarm you, and this is only a suggestion, but perhaps, we ought to make the children wards of court.

"Oh, John, surely, that's far too drastic a step" [5, p.758];

- Don't bother to come.

- Of course I'll come [10];

(8) салбий ёки ижобий баҳолашни қатъиян ифодалаш:

I had to sit there and listen to that crap. It certainly was a dirty trick [3, p.11]; It's not yellow. That's a great relief, surely; That, of course, is a horse of another colour [9, p.186]; Most people would have termed her a splendid woman of her age; and so she was, no doubt, physically speaking [6];

(9) but боғловчиси билан боғланган, бир бирига қарама қарши қўйилган иккита пропозициянинг бирининг қучайиши. Бу ҳолда биринчи қисмда модал сўзнинг ишлатилиши, одатда, қатъиятлилик тусини киритмайди, балки пропозицияни ходисаларнинг табиий кечиши, адресат пресуппозицияси билан ўзаро муносабатга киритади:

It is pretty free, of course, but it's very harsh too [11, p.59];

- She sure was nice to me after you told her I was your friend ...

- But it doesn't change things [8];

Гап таркибига бир-бирига қарама-қарши қўйилган операторнинг киритилиши иккинчи гапни биринчисига нисбатан қучайтиради:

I had to be careful not to bump into anything to make a racket. I certainly know I was home though [3, p.158]; He was unconscious. He died just after Dr. Thomas had gone of. But of course I felt I had to squat there - couldn't just push off and leave him [12].

Ишонч модал оператори қарама-қарши қўйилган лисоний тузилманинг иккаласига ҳам киритилиши мумкин, масалан:

- Except that your tongue is hanging out to see him.

- It certainly is not, but of course I would like to see him [13].

Ушбу вазиятда certainly модал сўзи адресат фикрига норозилик, эътирозни ифодалаган биринчи гапга қатъият тусини берса, of course модал сўзининг иккинчи гапда ишлатилиши адресат пресуппозициясининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш билан боғлиқдир.

(10) Ажратиб кўрсатилган киноянинг ифодаланиши. Ишонч мазмунидаги модал сўздан иборат бўлган нутқий тузилма мулоқот қондаларида талаб этилганидан кўпроқ ахборотни баён этиши мумкин ва шу билан биргаликда, сўзловчининг самимийлиги шубҳа остига олиниши мумкин:

- Four times she asked me that. She was certainly witty [3].

- At Haven Manor, when we release a person, they are ready to take their place in society.

- Sure - in the old-age home [8].

Юқорида таъкидланганидек, ишонч мазмунидаги модал сўзлар, уларнинг семантика-сидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос вазифаларни ижро этиши мумкин.

Surely модал сўзининг ишлатилиши сўзловчининг адресатни ўзининг фикрига бўйсундириш мақсади билан боғланган. Ушбу турдаги нутқий тузилма яширин сўроқ прагматик мазмунини ифода этиши мумкин:

In the process we reveal our personnel. Surely, you're aware of this [14].

Ушбу турдаги тузилма ҳаракатни бажаришга имплицит ундаш мазмунига эга бўлади:

- ... Can't you kick a few ideas around for us? Said Lacon, equally plaintively. Surely you can go down the line a little [15].

Шунга ўхшаш ўзига хос вазифаларда surely оператори эндиликда таъкидни ифодаламайди ва бу ҳолда у нутқий тузилманинг ҳаққонийлигини, ростлигини ажратиб кўрсатмайди. Аксинча, тахмин қилинади, савол берилади ёки ҳаракатга ундаш ифодаланилади.

Of course модал сўзи ходисанинг аниқлигини тан олишга асосланган ишончни ифодалайди [16, с.162]. У surely модал сўзи каби нутқий тузилмага қўшимча сўроқ тусини киритади, сўзловчининг билдираётган фикрини адресат тасдиқлаши кераклигини кўрсатади:

- You know Tonio Corelli, of course. Jess, he said.

- By sight [15].

Шартли эргаш гаплар таркибида of course шартнинг қатъий эканлигини кўрсатмасдан, балки баҳона мазмунини беради. Қиёсланг:

It'll be nice for me if you'd stay on at Pennistone Royal, Paula. If Jim is agreeable and would like to live here, of course [5];

I don't see where it's so wrong to be loyal to the team. If the team's winning, of course [7].

Бизнинг фикримизча, биринчи мисолдаги шартли эргаш гапнинг таъкид даражаси иккинчи

мисолда of course модал сўзи билан мураккаб-лаштирилган худди шу шартли эргаш гапга нисбаттан анча юқори ҳисобланади.

Баҳона мазмуни, шунингдек, махсус синтактик тузилмалар орқали ҳам билдирилиши мумкин, бунда of course оператори though, however боғловчиларининг мазмунини тағмаъноли ифодалайди:

“When the car was found, her suitcase wasn't in it”. Fleetwood's face showed dismay. “The hell it wasn't. Of course, I couldn't see her too clearly [4]; “That generally is the law”, Mason said. “There are, of course certain exceptions [4].

Пропозиция ҳаққонийлигига сўзловчи ишончининг модал мазмуни, шунингдек, қуйидаги кўринишларда ҳам ифодаланади:

1) вазифавий вариативликка эга бўлган for sure, for certain модал иборалари қуйидагиларни ифодалаш учун хизмат қилади:

- адресатни пропозиция ростлигига ишонтириш:

Marion, there's food out there, for sure [17];

- адресат пресуппозициясини тўлигича тасдиқлаш:

Will you be the sole person authorized to have access to the safety-deposit box?

- That's for sure, brother [7];

- Would I see one of those in Mayfair, Mac? Would I?

- For certain [17].

- адресат фикри билан розиликнинг ажратиб кўрсатилиши:

It's been showery weather.

- For sure [17];

- Категориял баҳолашнинг ифодаланиши:

Potato weather, for sure [7];

- қарама-қарши қўйилган пропозициялардан бирининг кучайтирилиши:

You may have been joking, but he, for sure, wasn't [7, p.89];

2) to be sure идиоматик тузилмаси орқали:

To be sure, I am distantly related to the Rochester's by the mother's side [6].

3) that's for sure; it's a certainty идиоматик бирликлар воситасида:

He'd seen enough of death, that was for sure [15, p.253]; It's a certainty, Grandy'll ring us as soon as she'd had time to think up a few penetrating questions, which are bound to catch us off guard [5];

4) тасдиқни ифодаловчи sure, certain бирликларининг мураккаб от кесимнинг предикативи сифатида ишлатилиши:

Someone is sure to hear us, Mary [17]

5) “ишонтириш” ундови ифодасига мос келувчи you can be sure идиоматик тузилмаси орқали:

You can be sure they've already marked you as an easy target [18].

ХУЛОСА. Мисоллар таҳлили гувоҳлик беришича, модал операторлар бош гапдан тортиб, гапнинг киритма бўлаги ва алоҳида гапларгача турли мавқеъдаги грамматик бирликлар таркибда прагматик вазифаларни бажариши кузатилади.

Шундай қилиб, мулоқотнинг маълум вазиятларида нутқий тузилма таркибига таъкид бирликларининг киритилиши акс таъсирни келтириб чиқариши мумкин ва натижада тузилма бошқа нутқий актлар худудига тушиб қолишади. Ушбу кузатишлар асосида шу фикрга келиш мумкинки, таъкид модал бирликларининг мазмуни жуда ўзгарувчан ва маълум бир мулоқот вазиятида ишончсизлик, шубҳа, гумон каби қарама-қарши мазмунни акс эттириши ва хушмуомалалик кўрсаткичи сифатида гавдаланиши мумкин.

Ишонч мазмунидаги барча модал сўзлар ичида certainly модал сўзи пропозицияга юқори даражадаги ишонч мазмунни беради ва табиий равишда таъкиднинг “ҳақиқаттан ҳам” мазмунидаги модал сўз ва ибораларига яқин жойдан ўрин олади. Агар айни бир нутқий тузилмаларда прагматик мазмун иккита семантик бир таркибли бирликлари билан янгиланса, уларнинг иккинчиси биринчисига нисбатан “кучлироқ” деб тахмин қилиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Коротких З.Е., Шиукаева Л.В. Функционирование модальных единиц категоричности в научной речи сопоставительное с художественной // Вопросы анализа специального текста. – Уфа: Изд-во Башкирского университета, 1987. – С. 99-104.
2. Greenbaum S. Studies in English Adverbial Usage. – L.: University of Miami Press, 1989. – 262 p.
3. J.D. Salinger. The Catcher in the Rye. – Bantam Books Ltd., L., 1991. – 192 p.
4. E.S. Gardner. The Case of the Lazy Lover. – Pan Books, L., 1991. – 189 p.
5. V.T. Bradford. Hold the Dream. – Panther books. Granada Publ. Ltd. L., 1995. – 831 p.
6. Ch. Bronte. Jane Eyre. – Sygnet Classic. N.Y. & Scarborough, 1990. – 461 p.
7. Shaw. Nightwork. – Pan Books Ltd., L., 1989. – 346 p.
8. J. Susann. Valley of the dolls. – Brandon Ltd., Tip-tree, Essex, 1995. – 510 p.
9. W.S. Maugham. Collected Short Stories. – V. 1. – Penguin Books, Harmondsworth, 1982. – 441 p.
10. Murdoch. The Book and the Brotherhood. – Penguin Books, N.Y., 1989. – 607 p.
11. J. Osborne. Look Back in Anger // Modern English Plays. – M.: Progress Publ., 1986. – P. 27-142.
12. Christie. Why didn't they ask Evans. – Pan Books Ltd., L., 1981. – 188 p.
13. E.V. Cunningham. Helen. – Pan Books Ltd., L., 1988. – 174 p.
14. R. Ludlum. The Parsifal Mosaic. – Granada Publ. Ltd. L., Toronto, Sydney, 1982. – 637 p.
15. J. Le Carre. The Honorable School-boy. – Pan Books, L., 1988. – 543 p.

16. Беляева Е.И. Функционально – семантические поля модальности в английском и русском языках. – Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1985. -180 с.
17. J.P. Donleavy. The Ginger Man. – Penguin Books, Harmondsworth, 1988. – 345 p.
18. S. Sheldon. Master of the Game. – Pan Books, L., 1983. – 430 p.